Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ

ҚАДР ТАШВИШИ

Қанчалик узоқлашишга ҳаракат қилманг, гап иложсиз тирикчиликка, демакки, маош масаласига тақалавераркан.

Вояга етмаган ўғлимнинг шунчаки таъкиди, рости, дилимни ўртаб юборди:

— Ойи, сиз касбни нотўғри танлаган экансиз. Ҳозир ҳеч ким бунақа маошга ишламайди. Оддий аравакаш ҳам кунига ўн минг топмагунча уйига кирмайди.

2-бет

«СОВУҚ УРУШ» ОСТОНАСИДА?!

Совет Иттифоқи кутилмаганда парчаланиб кетгач, Европа Россия қаддини кўтаролмай, жуда узоқ вақт заифлигича қолишига ишониб қолди. Бугун эса Ғарб Россиянинг ташаббусни қўлга олиш учун қилаётган жиддий ҳаракатларига таажжуб билан, ишонқирамасдан назар ташламоқда. Наҳотки, Европанинг узоқни кўра биладиган сиёсий етакчилари мамлакат сарҳадларидаги улкан энергия заҳиралари Россияга қандай куч беришини ўз вақтида билмаган бўлсалар?

3-бет

ОДИЛ ЁҚУБОВ АСАРЛАРИ ТУРК ТИЛИДА

«Одил Ёқубов замонамизда нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа туркий давлатларда, балки бутун туркий дунёда тенги йўқ, рақибсиз бир уста ёзувчидир... Адибнинг энг кўп таржима қилинган ва дунёга кенг тарқалган асари ҳисобланган, ҳатто Чингиз Айтматов ҳам ёстиғининг ёнига қўйиб, севиб ўқийдиган "Улуғбек хазинаси" романи ва ундан кейинги муҳим асари "Кўҳна дунё"дир».

4-бет

O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 43 (505) 2006-yil 1-noyabr

«HURRIYAT»га 2007 йил учун обуна бошланди!

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

АХБОРОТНИНГ САРҲАДИ БОРМИ?

Тезкор тараққиёт одатий тамойиллар қатори вақт ва макон мутаносиблигига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Барча фаолият жараёнларида янгича ёндашув ҳамда ривожланиш стратегияларини қабул қилиниши инсонлар ва минтақаларнинг яккаликдан яхлитликка юз буришига олиб келмоқда. Бугун инсоният янги бир даврни — жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари кескин ўзгараётган, инсон тафаккури бутунлай янгиланаётган, манфаатлар умумийлиги юз бераётган бир даврни бошдан кечирмоқда. Ривожланиш даражасидан қатъи назар ҳар бир давлатга кириб келаётган глобаллашув жараёнлари ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг кучайиши ҳеч бир халқ, мамлакат ўз ҳудуди доирасидагина яшаш билан чекланиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшаш эҳтиёж эканлигини англаган миллатлар ва мамлакатларни бугун манфаатлар умумийлиги бирлаштирмоқда. Ҳар қандай минтақани ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан жаҳон ҳудудининг ажралмас бўлагига айлантирган бу умумийлик ўз навбатида ҳар бир миллат, мамлакат олдига ўзига хос муаммо — миллийликни сақлаб қолиш масаласини кўндаланг қўймоқда. Чунки глобаллашув жараёнининг дунё халқларини бир хил қоидаларга риоя қилишга, бир хил воситалар орқали боғлаб туришга, турмуш тарзининг яхлитлашувига, умуман барчани бир қолипга солишга интилиши ҳар қандай миллатнинг ўзига хослигига, миллий қадрият ва анъаналарига таҳдид солиши табиий. Ахборот ва ахборот технологиялари асри сифатида эътироф этилаётган айни даврда миллий ўзликни сақлаб қолиш, мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий қудратини тиклаш билан бир қаторда глобал ахборот майдонидаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ахборот ҳуружларига қарши тура олиш, бир сўз билан айтганда ахборот хавфсизлигининг қай даражада таъминланган ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Бир қарашда масаланинг зарарли ва қўрқинчли томони йўқдай. Зеро, глобаллашув, жаҳон ахборот бозорининг тобора кенгайиб бораётганлиги, замонавий ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланаётганлиги давр тараққиётининг асосий воситаларидан ҳисобланади. Бироқ айнан глобаллашган ахборот майдонининг вужудга келиши ҳамда ахборотнинг интелектуал мулк сифатида қийматининг ортиб бориши ахборотга эгалик қилиш учун интилишларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши эса инсониятнинг уларга нисбатан тобелигини орттирмоқда.

Бир пайтлар геосиёсат Ўрта ер денгизини эгаллаган давлат бутун дунёга эгалик қилади, деган қарашни илгари сурган эди. Ахборот технологиялари юксак тараққий этган, ахборот жамияти қарор топиб бораётган бугунги шароитда масаланинг моҳияти ўзгариб кетди: ким ахборот тарқалишига эгалик қилса, дунёнинг тартиби ўшанинг қўлида. Шиддаткор глобаллашув даврида воқелик ҳеч нима, алоқа эса ҳамма нарса, цивилизациянинг тақдири ахборот етказиб бериш тезлигига боғлиқ. Вақтида ахборотга эга бўлган, ахборотга таъсир қилиш имконини топган ҳаммадан қудратлидир. Бугун асосий кураш майдони ахборот ҳудуди, асосий мақсад эса ер ёки бойлик эмас, балки инсон онгини эгаллаш эканлиги бежизга эътироф этилаётгани йўқ. Бу эътироф информацион таъсир ва ҳуружларга қарши тура олишнинг аҳамиятини ҳамда жамият ва давлат манфаатларининг кўп жиҳатдан ахборот соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқлигини орттиради.

Маълумки, глобаллашувнинг асосий белгиларидан бири ҳудудий чегараларнинг информацион чегара сифатидаги ўз аҳамиятини йўқотишидир. Бу эса тарқатилаётган ахборотларни саралаш, чеклаш ёки тақиқлаш имкониятини йўққа чиқаради. Қайси ахборот умуммиллий тараққиётга хизмат қилади, қайси бири жамият барқарорлигини издан чиқаришга қаратилган? Бу каби саволларга ҳар бир фуқаро учун ҳар бир ахборот юзасидан жавоб қайтариш мушкул ҳолат. Демак, ўз-ўзидан оқни қорадан ажратиш вазифаси ахборотни қабул қилувчи шахслар дунёқарашининг шаклланиш даражасига боғлиқлигича қолади.

Ҳозирги кунда ҳар қандай воқеанинг долзарблиги оммавий ахборот воситаларида ўз аксини топмагунча, у эътибордан четда қолаверади. Бунинг устига одамлар фойдаланадиган ишонарли ахборот манбалари ҳам унчалик кўп эмас. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларимизда аниқ ва ҳақиқий ахборотлар қанчалик тез ва кўп ўз аксини топса, одамлар асосий ахборот манбаи сифатида бошқа манбаларни излаб юрмайди. Жамиятни ахборот ҳуружларидан ҳимоя қилишнинг энг содда ва самарали усули ҳам — шу.

Фарруҳбек ЭРМАТОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Тадбир

Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Миллий ва халқаро ҳуқуқ уйғунлиги

Бунга эришиш учун имплементация тўғрисидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш зарур

Имплементация бу халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш жараёнидир. Мазкур илмий атама лотин тилидаги "impleo" сўзидан олинган бўлиб, "бажараман", "ижро этаман" маъноларини англатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ сўзсиз бажарилиши талаб этиладиган 190 дан ортиқ кўптомонлама шартномаларга қўшилди, мингдан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро битимларни имзолади. Бу эса мамлакатимиз олдига халқаро нормаларда кўзда тутилган мажбурият ва талабларни бажариш борасида бир қатор вазифаларни қўяди. Ана шу жараёнларнинг барчаси имплементация босқичларини қамраб олади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, давлат ҳокимияти идоралари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва мамлакатимиздаги етакчи ҳуқуқшунос олимлар иштирок этган илмий-амалий анжуманда имплементация институтининг долзарб назарий ва амалий муаммолари таҳлил этилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда халқаро шартномаларни бажариш, унинг нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш борасида қонуний асос мавжуд. Жумладан, Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ўз аксини топган.

Бироқ бугунги кунда республикамизда халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш амалиёти ушбу соҳада олиб борилаётган илмий фаолиятдан анчайин илгарилаб кетган. Конференция иштирокчилари айни шу масала — халқаро ҳуқуқни миллий қонунчиликка татбиқ этиш масаласига доир илмий-тадқиқотлар етарли эмаслиги ва мазкур мавзудаги махсус адабиётлар тақчиллигига эътибор қаратдилар. Шунингдек, мунозара жараёнида ҳуқуқшунослар томонидан имплементация масаласини тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати қабул қилиш зарурлиги ҳам айтилди.

Анжуман давомида Ўзбекистон томонидан халқаро шартномалар бажарилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини ва давлат ҳокимияти идораларининг имплементация билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштириш хусусида фикр билдирилди. Бунинг учун эса хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги илғор тажрибасини ўрганиш зарурати таъкидланди.

МУХБИРИМИЗ

Ибрат

Меҳр ва мурувват кўрсатиш, савоб йўлида кўнгли ярим инсонлар дардига малҳам бўлиш, уларнинг оғирини енгил қилиш ота-боболардан қолган улуғ мерос. Ҳазрат Навоий бир кўнгли ярим инсоннинг дардига малҳам бўлишни вайрон бўлган Каъбани тиклашдан ҳам улуғроқ амал эканини бежизга эътироф этмаганлар. Хусусан, давлатимиздаги ижтимоий муҳофаза сиёсатининг ўзини аждодлар меросининг амалдаги исботи дейиш мумкин.

МУРУВВАТ

Юртбошимизнинг турли йилларни халқимиз манфаатини чуқур ўйлаб, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга амалий ёрдам сифатида "Инсон манфаатлари", "Меҳр-мурувват", жорий йилни эса "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилишларида рамзий маъно бор, десак муболаға бўлмайди. Зотан йил аввалида йил давомида қилинажак ишлар пишиқпухта режага солинади, тадбирлар белгиланади. Юртдошларимизнинг аксарияти ҳам мурувватнинг нақадар улуғ савоблардан эканини яхши англаганини ўтган қутлуғ ойнинг шукуҳли кунларида ён-атрофдаги ногирон, меҳрга муҳтож, кам таъминланган оилаларга кўрсатилган кўмаклардан ҳам билса бўлади. «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили дастури доирасида ҳамда Рамазон ойининг шарофатли кунларида «Аэросервис» МЧЖ, Юнусобод тумани ногиронлар жамияти ҳамда "Шаҳристон" ресторани маъмурияти Юнусобод туманида истиқомат қилаётган 100 дан ошиқроқ ногирон ҳамшаҳарларимизни бир пиёла чойга таклиф этиб, дардли дилларига андак малҳам бўлишга интилдилар. Таклиф этилган ногиронлар бу мурувватдан кўнгиллари чоғ бўлиб, дастурхон устида Қуръон тиловат қилишди, ўтганлар руҳига фотиҳа ўқишди. Шаҳидлар хотираси хиёбонига чиқиб халқимизнинг асл фарзандлари хотираси ёдга олинди.

Республика Ногиронлар жамияти қейинги йилларда турли давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро фондлар билан амалий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб боряпти. Жамият аъзолари турли халқаро тадбирлар, семинарларда иштирок этиб, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя сиёсати, олиб борилаётган ислоҳотлар юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашиб келмоқда. Ана шундай амалий ҳамкорлик меваси сифатида Осиё ва Европанинг қатор турдош ташкилотлари билан алоқаларни айтиш мумкин. Яқинда Қувайт жамғармаси вакиллари ҳам Ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда ногиронларни дилкаш суҳбат ва бир пиёла чойга таклиф қилдилар. Тадбирда 50 дан ошиқ киши иштирок этиб, кўрсатилган меҳрдан ўзларининг миннатдорлик сўзларини изҳор қилди. Тадбир сўнггида Қувайт жамғармаси кўзи ожиз ҳамюртларимизга Брайл имлосида битилган олтита муқаддас Қуръони Карим китобини тақдим қилди.

Ислом СУЛТОНОВ

И-я!

ПЛАГИАТОР

ёхуд ўзгалар ижодини талон-тарож қилаётган ёзувчи ҳақида

Ижтимоий — сиёсий мазмундаги марказий нашрлар қатори кўплаб мустақил газеталар, кўнгил очар нашрлар ҳам кўпайгандан кўпаймоқда. Айниқса, «сариқ матбуот» дея тез-тез тилга олинадиган кўнгилочар газеталарни-ку асти қўяверинг. Улар шу даражада тез ва шиддат билан ҳаётимизга кириб келдики, биз (яъни газетхон) ҳатто бу газеталарнинг мазмунмоҳияти, мундарижаси қандай, уларда берилаётган турли жанрдаги материаллар савияси қай даражада дейишга ҳам улгуролмай қоляпмиз, шекилли. Хусусан, танқидчилару кўзга кўринган адибларимиз бу нашрларга кўп ҳам эътибор қилмаётганлари туфайлидир, бу каби газеталар эндиликда чунонам «кимўзар» пойгасини бошлаб юборишдики, бу ҳол айниқса бир ўтиришда ҳикоя ёки бундайроқ қисса «ёзиб ташлашга» қодир «ижодкорлар» учун айни муддао бўлаётган кўринади. Негаки бу нашрлар ана шундай чала ижодкорлар учун ҳақиқий пойга майдонига айланиб, уларнинг ҳуда-беҳуда «асарлари»ни пайдар-пай чоп этиб турибдилар-да. Келинг яхшиси, фикрларимизни тасдиқлаш учун «Парвона» газетасида чоп этилган икки ҳикоя — **Фаррух Абдуллаев**нинг **«Ёмғирли кундаги илинж»** *(2005 йил 15 декабрь)*, **«Бахтсиз қиз»,** *(2005 йил 24 ноябрь)* номли ҳикояларини шарҳлаб кўришга ҳаракат қилайлик-да, сўнг мазкур ҳикоялар учун муҳтарам **Ф. Абдуллаев** муаллиф сифатида нечоғли ҳақлари борлигини ўйлаб кўрайлик.

(Давоми 2-бетда).

Эҳтиром

МАЛИКУЛ КАЛОМ

Ана шундай мартабага эришган мавлоно Лутфийнинг Ҳирот яқинидаги қабрига мақбара ўрнатилди

...Яна афғон шамоли турди. Биз маҳаллий халқдан ўрганганимиздек бошга рўмол олиб, қулоқ, оғиз ва нафас йўлларини беркитамиз. Шундай ҳолатда ҳам кўзларимиз қумга тўлади. Лекин ишни бир лаҳза бўлса-да тўхтатмасдик. Зокиржон ака руҳимизни кўтариш учун ҳар биримизга у-бу қурилиш анжомларини узатиб, оталарча меҳрибонлик билан "Баракалла, йигитлар", деб қўярди.

Мен болалигимдан, кейинроқ мактабда ўқиб юрган чоғларимда ҳам дурадгорликни ўрганиш учун тоғамнинг устахонасидан чиқмасдим. Ўшанда унча-мунча ишга кўзим пишиб, қўлим келиб қолган эди. Ҳозир ўша маслак туфайли уста Қосимга бажонидил ёрдам берардим. Биз ўн беш кун Ҳиротдан йигирма чақирим наридаги ҳазрат Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида таърифлаган Деҳқанор даштидаги қабристонда, Мавлоно Лутфийнинг йўқ бўлиб кетаёзган қабри ўрнида ўзбекона меъморчилик анъаналарида янги мақбара тиклар эдик. Юмушларга Бобур номидаги халқаро жамғарма бош-қош бўлди.

Сенсан севарим, хоҳ инон,
хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон,
хоҳ инонма.

Мавлоно Лутфийнинг бундан олти аср муқаддам туркийда ёзган бу ашъори худди бугун битилганидек. Ҳолбуки, XIV-XV асрларда деярли барча шоирлар фақат форсийда ижод қилар, туркийда шеър битиш одатга айланмаганди. Шундай замон ва маконда Мавлоно Лутфий туркийда гўзал девонлар тузди ва унинг шуҳрати Хуросону Мавароуннаҳр, кейинроқ ундан-да узоқроқ ўлкаларга етиб борди. Лутфийнинг туркийдаги ғазаллари эл дилидан жой олди, тилдан тилга кўчди, хонлар саройидаги мушоираларда мунозара ва тортишувлар мавзусига айланди. Саган. Аммо Темурийзода, Хуросон тахтининг соҳиби бундай қарорга бир ўзи келмагандир? Унга аввало ҳамфикр ва маслакдоши Алишер Навоий, туркийда ёзган ғазаллари узоқ ўлкаларда ҳам оғиздан тушмаётган Мавлоно Лутфий ижодининг ҳам таъватан, халқ, тил тарихида чиндан-да буюк воқеа эди...

20 кун деганда Андижонда тайёрланиб, Афғонистонга келтирилган мақбара қад ростлади. Унинг очилишида Ҳирот волесининг (ҳоким) ўринбосари Алишо Бари, Шодижон улусининг волеси Зиёвуддин Шарифий, тарихшунос олим Мавлоно Анбарий, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Нангобод қишлоғининг қурилиш ишлари олиб борилган кунларда бизга қадрдон бўлиб қолган минглаб аҳолиси тўпландилар. Бу каби савобли ишни амалга оширгани учун ўзбек халқи ва ҳукумати номига миннатдорчилик сўзлари айтилди.

— Биз бу ерда улуғ зот қабри борлигини билардиг-у, лекин у туркийгўй шоир Мавлоно Лутфийники эканини билмасдик, — дейди Шодижон улуси оқсоқоллар кенгаши раиси ҳожи Ғулом Саидхон. — Лутфийга тикланган бу зиёратгоҳ жафокаш афғон замини осмонига ибрат нурини таратгандек бўлди. Қалбларимиздаги азобли туйғулар ўрнини эзгу тилаклар эгаллади. Бу улуғ даргоҳни биз кўз қорачиғидек авайлаб асраймиз.

Қадимда подшоҳлар насиб қилган муддатгача тахтда ўтирганлар. Аммо эл ҳурмати деган яна бир тахтиравон борки, унга мушарраф бўлганлар неча-неча асрлар оша ҳам шу мақомда туравердилар. Буюк аждодимиз Мавлоно Лутфий ана шундай зотлардандир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

Тошкент-Ҳирот-Тошкент, 2006 йил

Хабар

26 октябрь куни мини-футбол бўйича журналистларнинг иккинчи анъанавий турнири бошланди. "Истиқлол" спорт мажмуи майдонида бўлиб ўтаётган мусобақаларда ҳамкасбларимиздан иборат 20 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб боришмоқда.

Вақт бор, имконият ҳам

Бу йил қурға ташлаш жараёнида олдинги турнирда фаол иштирок этган жамоаларнинг бир гуруҳга тушиб қолмаслигига алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам МТРК, "Наврўз", "Ўзбекистон футболи" ва "Маърифат" жамоалари бошқа-бошқа гуруҳларда тўп сурмоқда. Ўтказилган тўртта ўйин натижалари турнирнинг чорак финалига чиққан жамоаларни аниқлаб берди. Унга кўра, "А" гуруҳидан "Маърифат" (10), "ЎзТВ" (9) ва "В" гуруҳидан МТРК (10), "Хонадон" (7) жамоалари кейинги босқичга йўл олишди. "С" гуруҳидан "Ўзбекистон футболи" (7), "СадоFM" (4), шунингдек, "D" гуруҳидан "Наврўз" (12) ва "Ёш куч" (6) жамоалари ҳам чорак финалда ўйинни давом эттирадиган бўлишди.

Шундай қилиб, ғолиблар ҳақида ҳозирданоқ бир нарса дейиш қийин. Ҳали жамоаларда имконият ҳам, ундан тўғри фойдаланиш учун вақт ҳам етарли.

Турнир 6 ноябргача давом этади.

Ф. ЖАББОРОВ

ПЛАГИАТОР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Очиғи, биз — ҳар учала муаллиф эътиборли газетада чоп этилган ушбу ҳикояларни ўқигандан кейинги ҳолатни тасвирлашга ожизмиз. Негаки, 35-40 йилдан буён китоб, газета мутолааси билан шуғулланиб ҳали бунақасини учратмагандик. Тўғри, баъзан бошловчи ёш шоирлар таниқли шоирлардан бир икки мисра ўзлаштириб «шеър» чоп этганлари, ғоя ва мазмун ўғриликлари ҳақида эшитган жойларимиз бўлган. Аммо бемалол айтиш мумкинки, Фаррух Абдуллаев ушбу «ҳикоя»лари билан кўчирмачилар пойгасида анча илгарилаб кетибдилар. Яна, у киши «яхши ўғри маҳалласини тунамайди» қабилида иш тутиб, ўзимизнинг адиблар қолиб, (сирлари тезроқ фош бўлишини ўйлаган бўлсалар керак) хориж адиблари ижодхонасига ўғриликка тушибдилар. Очиқроғи «яхши ўғри» бўлишга ҳаракат қилибдилар. Афсусланарлиси шундаки, минглаб муштарийлар ушбу ўғрилик «нон»идан «истеъмол» қилиб, ўзлари билмаган ҳолда луқмаларини ҳаром қилганлар, алданганлар. Назаримизда, кўчирмачилик объекти қилиб айнан олис Африка адибларининг ижод намуналарини танлашда Фаррух Абдуллаев иккита омилни эътиборга олган бўлиши мумкин. Биринчидан, Африка ёзувчиларининг асарлари бизда деярли кам таржима қилинган, бугунги китобхон назаридан четда. Иккинчидан, ушбу адиблар ҳикоялари 50-60 йилларда ўзбекчалаштирилиб чоп этилгани боис бу тўпламлар кутубхоналар фондида камайиб қолган ёхуд Собиқ Иттифоқ мафкураси илгари сурилган китоблар кутубхоналардан олиб ташланган вақтда, тушунмовчилик туфайли совет идеологиясига алоқаси бўлмаган, бироқ Иттифоқ даврида чоп этилган кўплаб сара (хорижий) асарлар ҳам йўқ қилинганлигини назарда тутган бўлишлари мумкин. Аммо Фаррух Абдуллаев яхши китобнинг, яхши асарларнинг қадрига етувчилар, бундай китобларни кўз қорачиғидек асраб-авайловчи китобхонлар ҳозир ҳам минглаб топилишини эътиборга олмаганлар, шекилли. Жумладан, муаллифнинг ҳар икки ҳикоясига айнан ўхшаш, ўхшаш эмас фақат қаҳрамонлари номигина ўзбекча бўлмаган айни шу ҳикоялар ҳам киритилган Африка ёзувчиларининг «Сотилган юрак» номли сайланмаси («Сотилган юрак» Африка ёзувчиларининг ҳикоялари. Русчадан У.Шамсимуҳамедов таржимаси. Т. «Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977 й) ушбу мақола муаллифлари шахсий кутубхоналарида мавжудки, бу каби уй кутубхоналарини Ўзбекистонда истаганча топиш мумкин. Келинг, энди мазкур ҳикоялардан иқтибослар келтириб, уларни қиёслашдан аввал ҳар тўртала ҳикоянинг қисқача мазмуни билан таништириб ўтайлик.

Аввал Фаррух Абдуллаевнинг ҳикоясига назар ташлаймиз.

1-ҳикоя — **«Бахтсиз қиз».** Ҳикоя қаҳрамони Муниса қишлоқда ўсган. Севган йигити Америкада ўқийди. Бечора қиз бир йил ичида тўрт жойда ишлаб омади юришмаган. Яхши ният билан иш жойини яна алмаштиради ва Хуршид Шодиевичга котиба бўлиб ишга қабул қилинади. Афсуски, қизнинг янги иш жойида ҳам омади юришмайди. Бошлиғи иш бўлмасида зўрлаб, унинг номусига тегади. Бир оз муддат ўтгач, докторлардан (дугонаси орқали) ҳомиладорлигини билган Муниса тажовузкор бошлиқнинг уйига бориб ўзини осади...

Энди «Сотилган юрак» тўпламининг 91-саҳифасини очамиз. Бунда Кения ёзувчиси Грейст Оготнинг «Элизабет» номли ҳикояси жой олган. Ҳикоянинг мазмунига эътибор қилинг, Элизабет қишлоқда яшаган, нон топиш илинжида шаҳарга келган. Кейинги олти ой ичида уч марта иш ўрнини алмаштирган омадсиз қиз. Йигити АҚШ да ўқийди. Афсуски, бу ерда ҳам унга омад кулиб боқмайди: шаҳватпараст бошлиғи иш бўлмасида мажбурлаб, унинг номусига тегади. Кейинчалик докторлардан ҳомиласи борлигини эшитган қиз бошлиғининг уйига бориб ўзини осади...

2-ҳикоя — **«Ёмғирли кундаги илинж»**нинг сюжет мазмунига эътибор қилинг.

Ёмғир ёғмоқда. Абдулланинг ошхонаси. Ошхонага кириб келган Малика кино қачон тугашини сўрайди. Кино саккиз яримда тугашини эшитгач, шу ерда кутиб, севган йигити — Султон ҳақида ўйлайди. Бу ерга келишдан мақсади эса Султоннинг бегона қизлар билан юришини ўз кўзи билан кўриш. Шунинг учун кино тугашини кутади. Кино тугайди, бироқ Султонни томошабинлар орасида учратмайди. Шу пайт кинотеатр яқинида икки киши муштлаша бошлайди. Уларнинг бири иккинчисини машина тагига итариб ташлайди. Машина уриб кетган йигит Султон эканлигини билмаган бечора қиз қайтиб ошхонага киради ва йигитини кутиб қолади...

«Сотилган юрак»ни варақлаймиз. 269-саҳифа. Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси Ричард Ривнинг «Ёмғир» номли ҳикоясини ўқиймиз. Сюжет эса мана бундай: Ёмғир ёғмоқда. Соллининг магазини. Магазинга Сиена кириб келади ва кино қачон тугашини сўрайди. Кино кечки ўн яримда тугашини эшитгач, шу ерда йигитини кутишга қарор қилади. Айнан шу ерга келишдан мақсади эса йигити Жозефнинг кейинги пайтда бегона аёлларга илакишиб қолганлигини ўз кўзи билан кўриш. Кино тугайди ва Сиена кинотеатр олдида Жозефни биров билан муштлашаётганига кўзи тушади. Суриштирганда бир қиз учун икковлон жиққамушт бўлганлигини билади. Ишга полиция аралашади ва Жозефни олиб кетади. Сиена эса яна магазинга кириб умид билан Жозефнинг келишини кутади...

Эътибор қилдингизми, азиз ўқувчи, **«Бахтсиз қиз»** билан **«Элизабет»**, **«Ёмғирли кундаги илинж»** билан **«Ёмғир»** ҳикоялари икки томчи сувдек, худди эгизаклардек бир-бирига ўхшаш. Шундай экан, бу ҳикояларни ўқиган муштарий Фаррух Абдуллаевнинг ҳикоянавислик «санъат»ига қойил қолсинларми ёхуд бир ишора билан хорижлик персонажларга ўзбекча либос кийдириб, лисон бахш этиш, ўзбек фуқаросига айлантириш маҳоратига тасанно айтсинларми? Балки жаноблари ўзбек китобхонини бир қадар гўл ёки бўлмаса, аллақачон китобхонликдан, адабиёт мутолаасидан узоқлашганга чиқариб қўйгандирлар? Агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса, ҳикоянависимиз бир мунча шошилган, адашган кўринадилар. Негаки, инсон заковати, маънавиятини юксалтирувчи воситалар ҳар қанча замонавийлашмасин, барибир китоб ва китоб мутолааси инсон маънавий ҳаётида беқиёс ўрнини йўқотмаган ва йўқотмайдиям. Чунки ҳеч бир нарса (ҳатто энг ақлли компьютерлар ҳам) инсон онгининг шаклланишида китобчалик, адабиётчалик мавқега эга бўлолмаслиги мумкин.

Ушбу фикрларни ўқиган газетхон, балки ҳикоялар сюжетида ўхшашлик бўлгандир, аслида муаммо у қадар чалкаш эмасдир деган мулоҳазага бормаслиги учун ва, албатта, мақола муаллифларининг иддаоларига шубҳа қолдирмаслик мақсадида тўртала ҳикоядан айни бир-бирини такрорлаган жумлалар, диалоглардан иқтибослар келтиришни ҳам лозим кўрдик.

Дастлаб **«Элизабет»** ҳамда **«Бахтсиз қиз»**дан кўчирмалар келтирайлик. Бунда аввал Грейст Оготи ҳикоясидан олинган иқтибоснинг айни «эгизаги»ни унинг тагидан келтирамиз ва бу билан ҳикоялардаги нафақат сюжет ва мазмун, балки қаҳрамонлар диалоглари ҳам У.Шамсимуҳаммедов таржимасидан шундоқ, кўчириб қўйилганлигини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

1.«— Бу Жимбонинг котибасими?»

«— Бу Хуршид Шодиевичнинг янги котибасими?»

2. «Элизабет ичкарига мўралаб қўйди».

«Муниса бошлиқнинг хонасига мўралади».

3. «Қизиқ бу жойда у қанча ишларкан? Ҳозирги идора ярим йил ичида ишлаётган учинчи жойи эди».

«Қизиқ, бу жойда у қанча ишлар экан? Ҳозирги иш жойи бир йил ичидаги тўртинчиси».

4. «Афтидан, тўғри келадиган аёлнинг кетидан юрадиганга ўхшамасди».

«Унинг назарида бошлиқ тўғри келган аёлнинг кетидан эргашиб юрадиганларга ўхшамасди».

5. «Душанба куни жаноб Жимбо хузурига истараси иссиқ бир аёл келди. Лиз бу аёлни қаерда кўрганини эслолмайди. Сарвқомат, келишган бу буғдойранг аёл сочини ажойиб турмаклаб олганди».

«Эртаси куни Хуршид Шодиевичнинг хузурига танноз бир аёл келди. Муниса бу аёлни қаердадир кўргандай бўлди, лекин эслолмади. Сарвқомат бу аёл сочини ажойиб тарзда турмаклаб олганди».

6. «— Ҳа, мажлис бўлаяпти. Исмингиз нима? Мен ички телефон орқали айтаман».

«— Ҳа, йиғилиш бўлаяпти. Исмингизни айтинг, жуда зарур бўлса ички телефон орқали айтаман».

7. «— Унинг хотиниман».

«Мен унинг хотиниман».

«Муниса унинг илтимосини қайтармоқчи бўлди. Бошлиқ шунчаки, одамгарчилик юзасидан айтаяпти, деб ўйлади».

14. «У ширинсухан бошлиғига беодоб кўринмасликка ҳаракат қилди. Аммо қиз хўжайинининг ўз айтганида туриб олганидан бир оз ҳадиксирар эди».

«У ширинсухан бошлиғига беодоб кўринишни истамади. Лекин у бошлиғининг ўз айтганидан қолмаганидан ҳадиксирарди».

15. «— Қизалоғим, сиздан хурсандман. Бу ерга келганингиздан бери ҳамма нарса ўзгариб кетди. Кўп нарсалар яхши котибага боғлиқ экан».

«— Мен сиздан хурсандман. Келганингиздан бери ҳамма нарса ўзгариб кетди. Кўп нарса яхши котибага боғлиқ экан».

16. «Сэр қизга еб қўйгудай тикилар эди».

«Бошлиқ Мунисага еб қўйгудек тикиларди».

17.«Лиз ғалати бўлиб, нафаси тиқила бошлади».

«У ғалати бўлиб, нафаси ичига тиқила бошлади».

18. «Сэр, кетишимга рухсат беринг, илтимос. Мен унашилганман. Хотинингиз болаларингизни ўйланг».

«— Менга кетишга рухсат беринг. Мени бахтиқаро қилманг. Хотинингиз, болаларингизни ўйланг».

19.«— Бўлди ўзингни бос, овозингни эшитиб қолишлари мумкин...»

«— Бўлди ўзингни бос, овозингни эшитиб қолишлари мумкин...»

20. «Қиз ундан қочиб ... эшик олдига борди ... сэр уни ушлаб диван томон судради».

«Муниса қўрққанидан эшик олдига борди. Бошлиқ уни ушлаб диван томон судради».

21.«У қишлоғидаги уйини, катта, аҳил оиласини соғинди».

«У қишлоғидаги уйини, катта, аҳил оиласини соғинганди».

22. «Шу пайт Лиз тўсатдан Жимбохонимнинг кўринишини эслаб қолди. У аёл биринчи марта эсига тушиши эди... Бахтли ҳаётдан хурсанд, бирор бир камчилиги йўқ...»

«Муниса тўсатдан Хуршид Шодиевичнинг хотинини эслаб қолди. У бахтли ҳаётдан мамнун».

23. «Жимбо эшикни очиб гандираклаб кетди. Лиз қизил шарфга осилганча жон берганди».

«Ҳужра эшигини очдию гандираклаб кетди. Муниса ўзини осиб қўйганди».

Энди **«Ёмғир»** ҳамда **«Ёмғирли кундаги илинж»** ҳикояларидаги ўхшашликларга эътибор қилинг.

1. «Ёмғир шалобба қилган кўчаларга қизил, сариқ неон чироқлар тушиб хира милтирайди».

«Ёмғир шалобба қилган кўчаларга тунги ёритгич чироқларнинг қизил, сариқ нурлари тушиб хира милтирайди».

2. «Баланд ошхона биноси ёмғир ва туман пардаси ортидан аранг кўринади».

«Ёмғирнинг қалин пардаси ортидан ошхона биноси аранг кўриниб турарди».

3. «Магазиннинг ичи қовурилган балиқ ва харидорларнинг тер ҳиди, енгил-бошларидан кўтарилаётган ҳовурдан димиқиб кетган».

«Ошхона ичи қовурилган балиқ, гўшт ... ва хўрандаларнинг эгни-бошидан кўтарилаётган ҳовурлар билан аралаш-қуралаш бўлиб, димиқиб кетганди».

4. «Терга ботган кўйлакчан Солли жиғибийрон сўкинарди».

«Терга ботган кўйлакчан Абдулла жиғибийрони чиқиб ёрдамчиларини сўкарди».

5. «Ҳой ярамас, эшикни ёпсангчи, нима бало чайлада яшайсанми?»

«Ҳой қилтириқ бобой, тезроқ эшикни ёпсанг-чи, нима бало сен эшиксиз кулбада яшайсанми?!»

6. «— Жин урсин бунақа об-ҳавони, — унинг гапини мақуллаб қўйди қотма, фескали бир малайлик».

«— Жин урсин бунақа об-ҳавони, — деб унинг гапини мақуллади чолнинг ёнидаги столда сигарет чекиб ўтирган, қотмадан келган одам».

7. «Жувон ҳадеганда эшикни ёполмай, охири билчиллаб ётган қириндига оёқ босди».

«Қиз ҳадеганда эшикни ёполмай, охири билчиллаб ётган йўлакка оёқ босди».

8. «— Кинонинг сеанси қачон тамом бўлишини билмайсизми? — сўради янги кириб келган аёл».

«— Кечирасиз, кинонинг сеанси қачон тамом бўлишини билмайсизми? — деб бирдан Абдуллодан сўраб қолди қиз».

9. «— Нима, мен кинонинг администраториманми?»

«— Қаёқдан билай, нима мен кино қўядиган одаммми?»

10. «— Ўн яримда, — деди малаялик йигит илтифот кўрсатиб».

«— Саккиз яримда тугайди, — деди бояги йигит қизга илтифот кўрсатиб».

11. «— Ёмғир ёғаётганини кўриб турибман, лекин бу ерда халоскор армия жойлашган эмас».

«— Ёмғир ёғаётганлигини кўриб турибман, лекин бу ерда халоскорлар гуруҳи жойлашган эмас».

12. «...бу дўкон қанча йиллардан бери Соллига қараса, шу йиллар ичида у эшитмаган ҳақоратлар қолмади ҳисоб».

«Бу ошхона қанча йиллардан бери унга қарашли бўлса-да, шу йиллар ичида у бу ерда эшитмаган ҳақоратлари қолмади ҳисоб».

13. «Солли ҳаммасига эътибор бермай, чидаб келарди, аммо бундай деб чақиришларини биринчи марта эшитиши эди».

«У ҳаммасига эътибор бермай чидаб келарди, лекин уни бундай чақиришларини биринчи марта эшитиши эди».

14. «— Гапирмайсами? Э, менга деса тилинг танглайингга ёпишиб қолсин-э...»

«— Гапирмайсанми? Гапирмасанг тилинг танглайингга ёпишиб қолсин менга деса...»

15. «Сиена Жозеф тобора совиб-узоқлашиб кетаётганини ҳис этса ҳам қўлидан ҳеч нарса келмас эди».

«Малика Султон ўзидан тобора совиб-узоқлашиб кетаётганлигини билса ҳам қўлидан ҳеч нарса келмасди».

16. «Сиена дераза ортидаги қоронғуликка яна ҳам қаттиқроқ тикила бошлади».

«Малика дераза ортидаги қоронғуликка яна ҳам қаттиқроқ тикилди».

17. «Жувон Соллига йўл-йўлакай миннатдорчилик билдириб эшик томон юрди».

«Малика йўл-йўлакай Абдуллага миннатдорчилик билдириб эшик томон юрди».

18. «Аммо Жозеф кўринмайди. Аёлнинг қалби вайрон бўлди».

«Аммо Султон кўринмасди. Қизнинг дили вайрон бўлди».

19. «Оломон сийраклашиб, кинотеатр олдида бир гуруҳ дайдиларгина қолди».

«Кўчада одамлар сийраклашиб кинотеатр олдида бир гуруҳ дайди, безори болалар қолди».

Энди ўзингиз инсоф билан айтингчи, мақола давомида таъкидлаганимиз каби Ф.Абдуллаев нуфузли газетага бериб юборган мазкур ҳар икки ҳикояси учун муаллифлик даъвосини қилишга, «Бу ҳикоялар аслида менинг ижодим маҳсули», дейишга ҳақлимикан? Агар китоб таржимони У.Шамсимуҳаммедов ҳаёт бўлсалар, бу саволга балки ўзлари изоҳ бериб ўтардилар.

Ўтган асрнинг 70 — 80 йилларида эълон қилинган наинки янги қисса ёки роман, ҳатто кичикроқ ҳикоялар ҳам адабиётимизда воқелик сифатида кутиб олинар, баъзан кўзга кўринган адибларимизнинг-да ҳикоялари чоп этилгач матбуотда узоқ баҳсу мунозаралар бўлар, адабиётшунослар, танқидчилар томонидан муносабат билдириларди. Энди-чи? Адабиёт, санъат, маданият соҳасида эришилаётган ютуқларимиз қаторида бу улкан маънавиятимиз гулшанидаги ғуборлар ҳақида нега кам гапирилмоқда. Адабиёт майдони «санитар»лари ҳисобланмиш адабий танқидчиларимиз нега жим?Зеро, Ф. Абдуллаевга ўхшаш «ёзувчилар» ҳам шу андишанинг «мевалари»га ўхшаб кетадилар чоғи. Ёмон меванинг эса уруғи кўп бўлади, дейишади. Шу маънода ажабмаски, Ф.Абдуллаевга ўхшаш биз билмаган яна қанча «ёзувчилар» ўз ижод намуналари билан китобхонларни алдаб юрган бўлсалар?! «Ёмғирли кундаги илинж» ҳамда «Бахтсиз қиз» ҳикоялари эса юзлаб ана шундай ҳикоялардан биз илғаб олган иккитагинаси холос.

Неъмат ЙЎЛДОШЕВ,
тадбиркор,
Эркин МУҚИМОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.
Даврон ОРИПОВ,
«Hurriyat» мухбири

Мулоҳаза

ҚАДР ТАШВИШИ

Эсимни танимай, оқ-қорани ажратмайдиган чоғимиздан бошлаб қулоғимизга тинимсиз қуйишарди: “Яхши ўқигин, илмли, билимдон бўлгин. Бундай одамлар энг ҳурматли саналади. Ҳаммадан яхши яшайди. Бировга асло муҳтож бўлмайди. Олим бўлсанг — олам сеники!..” ва ҳоказо.

Ота-онамизнинг, катталарнинг сўзи қонун эди. Ҳамма ерда аълочи бўлишга, элнинг олдида юришга ҳаракат қилардик. Миямизга пулдор бўлиш, давлат ва мансаб кетидан қувиш эмас, балки борига сабр қилиш, барака тилаш, энг муҳими — ҳалол ва тўғрилик сингари тушунчалар шунчалар қаттиқ сингдирилган эдики, унча-мунча шароит, ҳатто замонанинг ўзгаришлари ҳам онгимизни янгилай олмади.

Ҳар бир даврнинг ёзилмаган тартиб-қоидалари, фуқаролари дунёқарашида ўзига хослик бўлар экан. Баъзан ҳозир кишининг кимлиги, қандайлиги унинг обрў-эътибори, маънавияти билан баҳоланмай, топиш-тутиши, моддий аҳволи билан ўлчанадиган вақтда яшаяпмиз, деб ўйлаб қоламан.

Савдогар қўшнининг дўконига кирганимда харидимни ўраб берар экан, у гап қотди:

— Анча йиллардан бери газетада ишлайсиз. Ойлигингиз икки юз минг атрофида бордир-а?

Саволдан ичимда ижирғандим-у, унга савол билан жавоб бердим:

— Ўзингизники-чи?

— Меники ҳар хил. Лекин юздан юқори.

Юз, икки юз мингларни эшитиб, капалагим учди. Лекин сир бой бермадим:

— Бизники беш юз минг!

— Йўғ-е, ростини айтингчи.

— Айтсам — баракаси кетиб қолади!

Тавба, одамларга ҳайронман. Қаерга борсам, ким билан гаплашсам, дарров маош билан қизиқади. “Ҳа энди оларсиз-а анча! Ахир ёстиқдай-ёстиқдай мақолаларингиз босилиб туради!” Баъзан ҳазилга оламан, баъзан эшитмаганликка.

Яқинда мактабни зўрға битирган синфдошимни учратдим. Ўғил бола экан-да, йўлини топиб кетибди.

— Мана қассобхонам, ҳайвонларга ем сотадиган дўконларим бор. Уйдан уч-тўртта буқани узмайман. Ўғлим ўтган йили мойи артилмаган “Донс” олиб берди.

Баракалла, меҳнат қилиб топибдими — қаддини урсин! Аммо бир саҳифа мақолани куну тун ўйлаб, фикрлаб, ёзиб, қатор чиғириқлардан ўтказиб, чоп эттириб, элга манзур этиш ҳам осонмикан? Журналистдан молбоқар ёки фермер чиқариш мумкиндир, лекин ўша дўкондор ё пихини ёрган бизнесмендан журналист чиқариб бўларканми?!

Борига шукр қилиш, дунёга ружу қўймаслик — асл маънавиятли, эътиқоди бутун инсонларнинг аъмоли. Бироқ нафси ўпқон ҳойу ҳаваслар, маънавият билан моддият ўртасидаги кескин зиддиятли дунёқарашлар интилишларга таъсир этмасдан қолмайди.

Қанчалик узоқлашишга ҳаракат қилманг, гап иложсиз тирикчиликка, демакки, маош масаласига тақалаверяркан.

Вояга етмаган ўғлимнинг шунчаки таъкиди, рости, дилимни ўртаб юборди:

— Ойи, сиз касбни нотўғри танлаган экансиз. Ҳозир ҳеч ким бунақа маошга ишламайди. Оддий аравакаш ҳам кунига ўн минг топмагунча уйига кирмайди.

Болага касбингизнинг қанчалар хайрли, савобли экани, обрўси ҳақида тушунтиришга ҳаркатингиз зое кетади. Чунки фарзандимизни ўзимиздан ташқари атроф-муҳит, тенгдошлари, ҳисобсиз кундалик харажатлар ҳам “тарбиялаб”, пишитиб қўймоқда.

Яхши яшаш учун кўпроқ меҳнат қилиш, қўшимча иш топиш керак. Бу — тўғри. Аммо ҳамманинг қўлидан бундай ишбилармонлик келавермайди. Бошқа соҳаларда бўлиши мумкиндир. Лекин иккита таҳририятда ишлайдиган журналистнинг жамоага бўлган меҳри бўлинади. Ишида унум, барака, юрагида сидқидил хизмат бўлмайди.

Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деган гап бор. Авваллари маош тақсимотида мутахассиснинг маълумоти, билими, маҳорати, тажрибаси, меҳнат стажига қараб баҳоланарди. Энди эса... Бирикки, ўн йил ишлаган ходим билан ўттиз-қирқ йиллик тажрибага эга мухбир ҳам бир хил маош олаверади. Мансаб разряди бир бўлса бўлди.

Вақти келса компьютерчи, котибалар ё бошқа техник ходимлар маълумотли мутахассисдан кўпроқ манфаатдор. Шуларни кўриб-билиб турган ёшларда олийгоҳларга қийналиб кириб, ўқиш истаги пасаймайдими? Ўқиса ҳам, шу соҳада ишлашга юраги дов берадими?

Бошқа кўплаб соҳаларда бўлганидек, журналист мутахассисларнинг меҳнат стажига истеъдодига, эришган ижодий ютуқларига қараб касб тоифалари берилмаслиги, адолатданми? Шунингдек, навбатчилик, дам олиш кунларида ишлаганлик учун имтиёз устамаларнинг жорий этилмагани-чи? Аслида-ку, қалам эгасининг юмуши йигирма тўрт соатдан ҳам кўпку.

Яна бир муаммо. Мен анчадан буён кузатаман. Бутун умрини ҳукумат матбуотида қора меҳнатга сарфлаган, тунни кунга улаб навбатчиликлар қилган, ўз вақтида мақолалари билан “шов-шув”лар кўтарган, эл таниган, хизмат кўрсатган журналист билан оддий ҳисобчи ё котиба бўлиб ишлаганнинг қарилик нафақаларида ҳам деярли фарқ йўқ. Нега десангиз, пенсия миқдори ойлик, йиллик маошларига қараб белгиланади. Техник ходим бир пайтнинг ўзида бир неча жойда ишлаши мумкин. Муҳбирнинг эса бунга имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Аммо оқибатда иккивининг нафақасидаги фарқ унчалик кўп эмас.

Бу нимаси? Шундай экан, умр бўйи ақлий заҳмат чекмай, шунчаки енгилроқ иш қилиб яшаб ўтса ҳам бўлаверяркан-да!

Мен бу билан техник касб эгаларини камситмоқчи эмасман? Аксинча, қаламга суянган, қалам кучи билан ризқ топаётган ҳамкасбларим қадр-қимматининг юксалишини истайман.

Яна бир муҳим масала хусусида. Маълумки, ҳар бир нашрнинг муассиси — эгаси, яъни отаси бор. Бу унинг “пешонаси”га қайд этиб қўйилган. Бу борада кўплаб тармоқ газеталари ходимларига ҳавасим келади. Газеталарининг савияси ҳаминқадар бўлишига қарамай уларнинг маошлари анча юқори, обуна кўрсаткичлари ҳам фалонча! Бу муассисларнинг ўз нашрларига бўлган эътибор ва ғамхўрликларининг натижасидир.

Вилоят, туман газеталарида эса аҳвол бошқача. Улар ўша ҳудуд ойнаси бўлиб, бутун ҳаётини акс эттирсаларда, давлат ва ҳукумат сиёсатининг жонкуяр тарғиботчиси бўлсалар-да, обуна масаласида ҳамиша қийналадилар. Ўзларини ўзлари боқишнинг уддасидан чиқсалар-да, ҳамон қўл учида кун кўрадилар.

Ана шунда ота-муассиснинг ғамхўрлиги нечоғли аҳамиятли экани сезилади.

Йигирма йиллик иш тажрибамда шу ҳақиқатга амин бўлдимки, журналистликнинг қаттиқ нонини еб, эсон-омон нафақа ёшига етиб олиш ҳам мушкул экан. Ўтган йиллар давомида бирга ишлаб, бир ҳаводан нафас олиб турган ўнга яқин ҳамкасбимизнинг тақдири шундай якун топди! “Куй авжида торлари узилди”.

Аммо кўнглимда бир таскин пайдо бўлади. Нима бўлганда ҳам қудратли улуғ Аллоҳ бизга ўзимизнинг ва ўзгаларнинг манфаати йўлида қалам кучи билан азият чекишни буюрган экан, шунинг ўзи катта Бахт, улуғ Имкон. Ана шу амални ҳалол бажарар эканмиз, тансиқ неъмат — қалб хотиржамлигига муяссар бўлғусидирмиз. Ахир Мустақилликни мустаҳкам ушлаб турувчи устунлардан бири, ёмон кўзлардан, носиқ сўзлардан асрагувчи Сиз билан биз эмасми, азиз Ҳамкасб?!

Рисқиҳон МАЖНУНОВА,
“Наманган ҳақиқати” газетасининг махсус мухбири

Обуна-2007

Доимий ҳамроҳингиз

“Ўзбекистон матбуоти” — Сизнинг журналингиз!

Ахборот дунёси, матбуот олами бугунги кунда шу қадар шиддатли ўзгаришларга бойки, билимимизни мустаҳкамлаш, орттирган тажрибамизни бойитиш, касбий маҳоратимизни ошириш талаб этилади.“Ўзбекистон матбуоти” журнали бу йўлда Сизга маънавий ҳамроҳ бўла олади, деб умид қиламиз.

“Ўзбекистон матбуоти”га обуна бўлсангиз:

мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари ҳақидаги мақолаларни;

ҳамкасбларимизнинг бугунги ўй-мақсади, режаси ҳақидаги лавҳаларни;

нашриёт ва матбаа, китоб савдоси соҳаларидаги янгиликларни;

хориж матбуотига оид шарҳларни;

анънавий рукнларда ёритилаётган кўпдан кўп мақолаларни ўқиб борасиз.

Айни чоғда журналистика фани мутахассисларининг мақола ва хатхабарларига кенг ўрин берилади.

Нашр индекси 883

Муҳтарам муштарий! Рўзғорингиздан барака аримасин ва албатта, ҳамкоримиз бўлинг.

Таҳририят

Дараклар

ЭХУД ОЛЬМЕРТ КОРРУПЦИЯДА АЙБЛАНЯПТИ

Исроил президенти Моше Кацавнинг ахлоқий бузуқлиги борасидаги шов-шувлар босилмасдан, бош вазир Эхуд Ольмертнинг коррупцияга алоқадорлиги борасидаги ишни полиция текшира бошлади.

ИТАР-ТАСС нинг хабар қилишича, бу хусусда бош прокурор Эран Шендар ва ҳуқуқий маслаҳатчи Мени Мазуз давлат назоратчисининг сўровига мувофиқ тегишли топшириқ берган.

Полиция 2005 йилда Ольмерт мамлакат молия вазири бўлиб ишлаб юрган кезларида хорижда яшаётган ўзининг икки бизнесмен дўсти Даниэль Абрахам ва Франк Лоуиларга молиявий кўмак берганлиги тўғрисидаги матбуотдаги хабарларни текшириши керак. Бош прокуратура ҳам Ольмерт ва яна бир неча амалдорнинг "Леуми" банки акциялари пакетини сотиш вақтида пора олгани ҳақидаги маълумотларни текширишни бошлаган. Бундан ташқари бош вазир қайнотаси Йосси Гросс раҳбарлик қиладиган юридик фирма фойдасига мансабини суиистеъмол қилганликда ҳам айбланяпти.

Адлия вазирлиги гап "жиноий иш эмас, балки дастлабки суриштирув" эканини эътироф этган. Мазкур вазиятнинг юзага келишида молия вазирлиги бош ҳисобчиси Яарон Зелихнинг кўрсатмалари сабаб бўлди. У вазирликнинг банкларни хусусийлаштириш бошқармасига масъул бўлган. Шунингдек, терговчилар қўлига Эхуд Ольмертнинг саноат, савдо ва бандлик вазирлигига тайинланишигига оид янги маълумотлар тушган.

Бош вазир маҳкамасидаги расмийлар бош вазир устидан очилган ишнинг мантиққа зид эканини эътироф этмоқдалар. Эхуд Ольмертнинг ўзи ҳам ҳар қандай айбловларни рад этяпти.

ОЗАРБАЙЖОН ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАМАЙДИ

Озарбайжон президенти Илҳом Алиев Бокунинг Эронга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо чораларини маъқулламаслигини эълон қилди. Мамлакат раҳбарининг суҳбати Озарбайжон расмий матбуотида душанба куни эълон қилинган.

— Биз жазо чораларининг фойда беришига шубҳа қиламиз. Зотан, улар минтақадаги тангликни оширса оширадики, енгиллаштирмайди», — деган Илҳом Алиев.

Озарбайжон етакчиси республиканинг Эрон билан бевосита чегарадош экани, икки давлат ўртасидаги алоқалар дўстона ривожланаётганини алоҳида эътироф этди ва Эроннинг ядро дастури атрофидаги барча муаммолар фақат музокаралар йўли билан ҳал этилиши кераклигини таъкидлади.

Душанба куни Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот ҳар қандай халқаро жазо чораларига мамлакатининг жавоби ҳам қатъий бўлишини эълон қилди.

Нигоҳ

«СОВУҚ УРУШ» ОСТОНАСИДА?!

Россия-Европа Иттифоқи-АҚШ муносабатлари қандай асосга қурилиши керак?

Янги Россия мағрур ва яккаҳукмронлик сиёсати билан Европани курашга чорламоқда. Мазкур стратегик рақобат эса хоҳ энергетика соҳаси, хоҳ сиёсий саҳнада бўлсин, тобора кучаймоқда.

Энергетика манбалари мамлакати — Владимир Путин Россияси жаҳон сиёсий майдонида анъанавий етакчилик ролини ўйнаш истагини ошкора билдирмоқда. Бундай даъво учун мамлакат жиддий асосга эга. Янги геосиёсий ихтилоф билан рўбарў бўлган Ғарб ва Европа эса хавотир ҳамда ҳадик изҳор қилмоқда, гўёки буткул кутилмаган ҳодиса рўй бергани каби.

Россия ўз энергетика манбаларидан моҳирлик билан фойдаланаётганини нима учун ғазаб аралаш таҳлика уйғотаётганини тушуниш мумкин. Бироқ мавжуд ҳақиқатни тан олиш бироз қийинроқ: агар Европа Иттифоқи ҳозирга қадар ягона ташқи сиёсатни ишлаб чиққанида эди, Россиянинг Европа билан муносабат борасида ғанимларча ишончсизликка асосланган тарихий сиёсатини диққатдан қочирмаган бўлар эди. Горбачёв умид қилган умумий Европа уйига қўшилган Россия тўғрисида орзулар эса аллақачон тутун каби тарқаб кетган.

Очиғини айтганда, Совет Иттифоқи кутилмаганда парчаланиб кетгач, Европа Россия қаддини кўтаролмай, жуда узоқ вақт заифлигича қолишига ишониб қолди. Бугун эса Ғарб Россиянинг ташаббусни қўлга олиш учун қилаётган жиддий ҳаракатларига таажжуб билан, ишонқирамасдан назар ташламоқда. Наҳотки, Европанинг узоқни кўра биладиган сиёсий етакчилари мамлакат сарҳадларидаги улкан энергия заҳиралари Россияга қандай куч беришини ўз вақтида билмаган бўлсалар?

Ушбу мамлакат ўн йиллик вайронагарчиликдан сўнг Владимир Путин сиймосидаги раҳбарни топди ва у синалган усуллар воситасида юртни совет ўтмишидан тезкор тараққиёт ва янгиланишга бошламоқда. Президентни Солженицин ҳам олқишлаб, Ғарб демократияси инқирозда турган бир пайтда у Россияни ботқоқликдан олиб чиқади, деб айтган эди.

Хўш, бу ҳолат яқиндагина Литвада ўтган учрашувда АҚШ вице-президенти Дик Чейни тилга олган "совуқ уруш" ҳақида гапиришга асос бўла оладими? Москвага очиқ огоҳлантириш сифатида янграган баёнот Россия томонидан уюштирилган фитна сифатида баҳоланди. Айримлар эса буни ўз вақтида билдирилган танбеҳ сифатида қабул қилишди. Матбуот эса Чейни нутқи билан Черчилнинг Фултондаги баёноти ўртасидаги боғлиқликни қидириб қолди (Изоҳ: Британия бош вазири Уинстон Черчил 1945 йили АҚШнинг Фултон шаҳрида қилган чиқишида илк бор "совуқ уруш" атамасини қўллаган эди). Бутун Ер шарини таъминлайдиган газ трубалари тизими учун халқаро миқёсида кетаётган шафқатсиз рақобат шароитида бундай қуруқ чақириқлар урушни келтириб чиқариши қийин. Бироқ бундай юқори жанговар оҳанг Европани хавотирга солаётган экан, демакки, масалани ечишда фаоллик кўрсатиш вақти келган. Ягона энергетика сиёсатини ҳалигача ишлаб чиқа олмаётган Иттифоқ бу зиддиятда томошабин ролидан халос бўлиши мумкин. Бунинг учун у ҳар қадамда устунлигини намойиш қилишга уринаётган Россия билан мулоқот ўрнатиши, Кремль "тили"ни топиши зарур. Фақатгина ҳар қандай мулоқот ҳамкорнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ ҳамда ақлга асосланган бўлишини унутмаслик даркор.

1988 йил. Нью-Йорк. Америка президенти Рональд Рейган, вице-президент Жорж Буш ва Совет Иттифоқи раҳбари Михаил Горбачёв учрашуви. Ўшанда илк бор икки давлат раҳбари томонидан қуролланишни қисқартириш борасида битим имзоланганди.

Бу биргина иқтисодиёт ёки энергетикагагина тааллуқли эмас: Россия ўз остонасида НАТОнинг пайдо бўлиб қолганидан маълум даражада ташвишга тушгани бор гап. Бу ҳолатда кўпчилик ҳарбий иттифоқни Вашингтон кўрсатмаси билан Россияни ўраб олиш ва унинг суверенитетини йўқотишга уринишда айбламоқда. Россия чегарасига қадар ёйилган НАТО мамлакатни очиқ денгизга чиқиш борасидаги асосий имкониятларидан маҳрум этди ва бир пайтлар ҳукмронлик қилган ҳудудларда унинг таъсир кучини йўққа чиқарди. Бу эса Россияни таҳликага солиб қўйди. Америка ҳарбий базаларининг Марказий Осиё давлатлари ҳудудига жойлаштирилиши ва Вашингтон томонидан ҳудуддаги газ ва нефть заҳираларини назорат қилиш йўлидаги уринишлар эса ишончсизлик ҳамда зиддият иқлимини кучайтирди, холос.

Бошқа томондан, Ғарб томонидан Украинадаги "норинж инқилоби"нинг фаол ва узоқни ўйламасдан қўллаб-қувватлангани Москва томонидан салбий қабул қилиниши аниқ эди. Албатта, Украинанинг айрим қисм аҳолиси Москва раҳнамолигидан воз кечиб, Ғарб билан яқинлашиш йўлини хоҳлаётганини инобатга олмаслик тўғри эмас. Бироқ Украина қадимий Киев Руси давлати даврларидан буён Россия миллий тафаккурида қанчалик катта ўрин тутганини назардан қочириш мумкинми? Путин Россияси Украинани ўз таъсир доирасида сақлаб қолиш ишига биринчи даражали вазифа сифатида қараши — кўриниб турган ҳақиқат. Европа бу ҳолатни ўз тамойилларидан чекинмаган ҳолда тушуниши керак.

Европа Чеченистондаги қатағон сиёсатини танқид қилишга ҳақли. Бироқ бу жараёнда Россия раҳбарияти Федерациянинг ҳудудий яхлитлигига таҳдид солиши мумкин бўлган миллий ихтилофлар чиқмаслиги учун курашаётганини ҳам эътиборда тутиши керак.

Нью-Йоркда рўй берган 11 сентябрь воқеалари куниёқ Владимир Путин президент Жорж Буш билан ҳамфикрлигини билдирди ва терроризмга қарши кураш борасида айнан Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатларни байроқ қилди. Бироқ бу борада Россия ва Америка стратегияси ўртасидаги лаҳзалик яқинлашиш Эрон масаласи пайдо бўлиши билан йўққа чиқди...

"Совуқ уруш" давридан кейинги замонавий дунё буткул ўзгача қиёфа касб этмоқда. Россия ўта аниқ шаклланган амбицияси билан демократияга бошловчи йўлдан бормайди, бильакс, барқарорликни таъминловчи авторитар тизимни танлайди. Шу ўринда шиддат билан тараққий этаётган, дунё энергия манбалари учун курашаётган авторитар бошқарувдаги Хитой ва Россия Федерациясини муқояса қилиб ўтайлик.

Россия ва Хитой айрим масалаларда ягона тўхтамда бўлмасада, мазкур икки давлатнинг умумий манфаатлари жуда ҳам кўп. Россия ва Хитой — бу икки автократик буюк давлат халқаро сиёсатда кутилмаган ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Энг қизиғи, тобора муҳим аҳамият касб этаётган бу омил ҳаттоки терроризмга қарши кураш концепцияси ишлаб чиқилаётган пайтда ҳам инобатга олинмаган. Ягона ташқи сиёсат тизимини яратиши зарур бўлган Европа олдидаги вазифа шундаки, у мазкур катта ўйиндаги ўз ўрнини топиши керак.

"La Libre Belgique" (Бельгия) газетаси материали асосида
Абдул СОБИР тайёрлади

ГОНГАДЗЕНИНГ ҚОТИЛИ ТИРИК...

Журналист Георгий Гонгадзени қатл этиш ташкилотчиси сифатида халқаро қидирувда бўлган Украина ИИВ ташқи кузатув департаменти собиқ бошлиғи Алексей Пукач ташқи қиёфасини ўзгартирган ва бошқа ном остида истиқомат қиляпти. Бу ҳақда Украина собиқ бош прокурори, ҳозирда халқ депутати сифатида фаолият юритаётган Святослав Пискун "Дело" газетасига берган интервьюсида тўхталиб ўтган.

Депутат ўзи бош прокурор бўлиб ишлаган пайтидаёқ Пукачнинг қўлга олинганини эслатди. «Агар Пукачни қўйиб юборишмаганида Гонгадзе иши аллақачон очилган бўлур эди. Аслида у Гонгадзенинг ўлдирилишига оид барча икир-чикирдан бохабар воситачи, холос", — деб баёнот берди Пискун.

Эслатиб ўтамиз, Гонгадзе 2000 йилнинг 16 сентябрида ғойиб бўлганди ва ўша йилнинг ноябрида Киев яқинидаги ўрмондан боши танасидан жудо қилинган ҳолатда топилди. 2005 йилнинг 19 декабрида Киев апеляция суди Гонгадзе ўлимига алоқадор жиноятчилар устидан дастлабки суд ишини бошлади. Милиция зобитлари Валерий Костенко, Николай Протасов, Александр Поповичлар устидан жиноят иши очилди. Костенко ва Протасов айбларига тўлиқ иқрор бўлишди, Попович қисман айбини тан олди.

2005 йил 24 январда Киев суди яна бир айбланувчи, ИИВ ташқи кузатув департаменти собиқ бошлиғи Алексей Пукачни эҳтиёт шарт сифатида ҳибсга олиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Айни пайтда унга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Украина Бош прокурори Александр Медведко 2006 йилнинг май ойида Пукачнинг Россия Федерацияси ҳудудида бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларга таяниб, Россия Бош прокуратурасига тегишли ҳужжат ва сўровнома тақдим қилди.

Украина ҳуқуқ-тартибот идоралари Исроил давлат прокуратурасига ҳам Пукачни ҳибсга олишга асос бўладиган ҳужжатлар ва сўровнома юборган. Бироқ Украина хавфсизлик хизмати Пукачнинг изини Исроилдан топа олмади.

Санобар **ИНОЯТОВА** ва Зумрад **ЛУТФУЛЛАЕВА** тайёрлади

Матбуот қаерда эркинроқ?

"Чегара билмас мухбирлар" (Reporters Without Borders) ташкилоти 2006 йилда жаҳон мамлакатларида матбуот эркинлиги ҳолати бўйича ҳисобот эълон қилди. Йиллик ҳисоботга дунёнинг 168 мамлакати киритилган.

Халқаро ташкилот дунё мамлакатларида журналистларнинг эркин фаолияти нечоғли таъминланганига қараб уларни ўринларга тақсимлаган. Қуйида мазкур рўйхатнинг бошланиш ва охирги қисми берилади. Рўйхатдан кўриш мумкинки, бу йил ҳам матбуот эркинлиги борасида Шимолий Европа давлатлари олдинги ўринларни банд этган.

1.	Финляндия	159.	Непал
	Исландия	160.	Эфиопия
	Ирландия	161.	Саудия Арабистони
	Нидерландия	162.	Эрон
5.	Чехия	163.	Хитой
6.	Эстония	164.	Бирма
	Норвегия	165.	Куба
8.	Словакия	166.	Эритрея
	Швейцария	167.	Туркманистон
10.	Венгрия	168.	Шимолий Корея

Учрашув

Ёшлар масаласи мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, сиёсатимизнинг энг устувор вазифаларидан бири саналади. Ёшларнинг олдида турган муаммоларни ечиш, уларнинг маданий савиясини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирларни уюштириш мақсадида, 2001 йил 30 майда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз ишини бошлаган эди. Қарийб беш йил мобайнида ижтимоий ҳаракат кўплаб ишларни амалга оширди. Лекин охирги пайтларда "Камолот"нинг фаолиятидан қониқмаётганлар сони кундан кунга кўпайиб боряпти. Бунга асос қилиб кўплаб сабабларни келтиришимиз мумкин.

ЁШЛАР МУАММОСИ

«Камолот» унга ечим топа оляптими?

Кимдир "Камолот"нинг охирги пайтларда расмиятчилик ва буйруқбозликдан бўшамаяпти деса, яна кимдир истеъдодли ёшларнинг четга қолиб кетаётганлигини сабаб қилиб келтиришади. Умуман олганда, унинг самараси сўнгги пайтларда умуман билинмаяпти. Шунинг учун шу йилнинг 10 октябрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди. Бу қарор хусусида жойларда давра суҳбатлари ўтказилди. Ана шундай давра суҳбатларидан яна бири яқинда "Камолот" Марказий Кенгашида "Камолот ёшлар нигоҳида" мавзусида бўлиб ўтди. Тадбирда "Камолот" ЁИҲ аъзолари ва етакчилари, шунингдек, партияларнинг ёшлар қаноти аъзолари қатнашдилар. Унда янги дастур ва Низом тўғрисида баҳсли суҳбатлар бўлди.

2004 йилда "Камолот"нинг аъзолари 5 миллион киши бўлган. Албатта, бу жуда яхши кўрсаткич. Лекин шу йилнинг ўзида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўров натижаларига кўра, аъзоларнинг 63,7 фоизигина "Камолот" тўғрисида билишларини айтишган. Кўпчилик ёшлар қандай қилиб "Камолот"га аъзо бўлиб қолишганларини ўзлари ҳам билмай қолишган. Мисол учун ўзим ҳам "Камолот"га ёппасига аъзо бўлганлар сирасига кираман. Гуруҳимизда 12 киши бўлса, барчаси аъзолик қоғозига имзо қўйиб бериши шарт ҳисобланган. Агар сен имзо қўймасанг, ўрнингга қўйиб юборадиган ҳам топилади. Ахир университетнинг "Камолот" етакчиси "тепа"дагиларга кўрсатиши учун ишни яхшилаб дўндириши керак-да. Бундай ҳолат беихтиёр мустамлакачилик давридаги қўшиб ёзишларни эсга солади. Қачонки ёшлар ўз ихтиёрлари билан аъзо бўлсалар, менимча ижобий натижага эришилса керак. Шундагина уларни бирлаштириш ҳам осон кечади. Назаримда, бу тўғрида "Камолот"чилар яна бир бора дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрсалар бўларди. Янги Дастур ва Низом билан ўз ишини янги руҳда бошқараётган "Камолот"нинг келгуси ишларидан фақатгина ижобий натижалар кутиб қоламиз. Бу ҳаракат ёшларни камолга етказадиган ҳаракат бўлишини истардик.

Равшан **ТОШМУҲАММЕДОВ**

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси фаолиятига назар

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг тузилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ана шу оз фурсат ичида Миллий ассоциация мамлакатимиздаги юзлаб ННТларининг бошини қовуштирди, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатди. Бугун ассоциациянинг қисқа тарихига назар солганда, демократик жамиятнинг муҳим таркибий бўғини бўлган "учинчи сектор"ни ривожлантириш борасида кўзга кўринарли ижобий ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

2005 йилнинг 18 майида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 га яқин етакчи нодавлат нотижорат ташкилотлари бу борада ташаббускор бўлди. 2005 йилнинг 10 июнида ЎзННТМА Адлия вазирлигида расман рўйхатдан ўтди. Шу тариқа ассоциация демократик давлатнинг муҳим бўғинини ривожлантириш йўлидаги фаолиятини бошлади.

Миллий ассоциациянинг асосий мақсадларидан бири — нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, модернизация ва ислоҳ қилишдаги иштирокини кучайтиришдан иборат. Шунингдек, ЎзННТМА фуқароларимиз онгида демократик тушунча ва қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш орқали мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда яқин кўмакчи бўлишни кўзлаган.

Ассоциация аввал-бошданоқ муҳим вазифаларни мақсад қилиб ишлаб келмоқда. Энг биринчи навбатда ЎзННТМА юртимиздаги нодавлат ташкилотларининг интеллектуал, моддий-техник ва бошқа заҳираларини бирлаштиради. Халқ ҳикматларида "Бирлашган ўзар" деб бежиз айтилмаган. Мамлакатни ривожлантириш йўлида турли йўналишларда ҳаракат қилаётган нодавлат муассасалар бирлашганда эса жуда катта эзгу ишларни амалга ошириш мумкин.

Сир эмас, нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритади. Шу боис ҳам, ассоциация ННТнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳа ва дастурларини амалга оширишдаги фаолиятини кучайтиришни мақсад қилган.

Шу билан бирга Миллий ассоциация ўз аъзоларининг умумий манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳимоя қилиш йўлида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида Миллий ассоциация қошида ННТларини қўллаб-қувватлаш фонди ташкил қилинди. Фонд ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармонлик фаоллигини оширишга хизмат қилувчи мустаҳкам фуқаролик институтларининг ташкил топишига кўмаклашади.

Ўтган давр мобайнида ЎзННТМА мамлакатимиз бўйлаб умумреспублика ва минтақалар миқёсида бир қатор йирик тадбирлар ўтказди. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва уни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси муҳокамасига олиб чиқиш мақсадида 600 дан ортиқ ННТ иштирокида қатор давра суҳбатлари ўтказилди.

2006 йил январь ойида Миллий ассоциация томонидан 200 дан ортиқ ННТ вакиллари, олимлар ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари» мавзусида республика илмий-амалий семинари ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, давлат ва ҳукумат ташкилотлари, Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари ҳам фаол иштирок этдилар.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча вилоятларида ЎзННТМА доирасида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда ЎзЛиДеП билан ҳамкорликда 2006 йилнинг январь-март ойларида «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ННТларининг роли» мавзусидаги давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Жамиятимизнинг кенжа авлод вакиллари билан ишловчи ННТлари бошини қовуштириш, ёшлар ташкилотлари билан ишлашнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган тадбирлар самарали бўлди.

Миллий ассоциация, шунингдек, мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари Экофорумининг иккинчи конференцияси ташкилотчиларидан бири бўлди.

ЎзННТМА юртимиздаги нодавлат муассасаларнинг илғор ғоялари ва лойиҳаларини моддий қўллаб-қувватлаб келмоқда. 2005 йил декабрь ойида Миллий ассоциация ва ННТларини қўллаб-қувватлаш фонди юртимиздаги ННТлари лойиҳаларини молиялаштириш учун биринчи танлов эълон қилинди. Фонд томонидан аёллар ва ёшларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалалар, экология, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби 80 дан ортиқ йўналишдаги лойиҳа таклифлари кўриб, ўрганиб чиқилди. Пировардида 19 та ННТнинг 73 миллион сўмлик энг яхши лойиҳалари танловда ғолиб деб топилди.

Миллий ассоциация ва ННТларини қўллаб-қувватлаш фонди 2006 йил давомида ҳам юртимиздаги нодавлат муассасаларни молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мазкур лойиҳа ва дастурлар жамиятимизда фуқаролик институтларини ривожлантириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга йўналтирилган.

*Дарвоқе, Миллий ассоциациянинг **www.ngo.uz** сайти ҳам ташкил қилинган. Ўқувчилар ЎзННТМА фаолиятига оид қўшимча маълумотларни ушбу веб-саҳифадан олишлари мумкин.*

МУХБИРИМИЗ

*Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. **Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".***

Эҳтиром

ОДИЛ ЁҚУБОВ АСАРЛАРИ ТУРК ТИЛИДА

Ўтган асрда романлари чет тилларга энг кўп таржима қилинган классикларимиз ичида Одил Ёқубов асарлари алоҳида ажралиб туради. Айниқса, "Улуғбек хазинаси" дунёнинг ўттизга яқин тилида босилгани адабиётимизнинг фахридир. Туркчага романлари энг кўп ўгирилган ва қайта-қайта нашр этилаётган ўзбек ёзувчиси ҳам Одил Ёқубовдир. Устоднинг саксон ёши кутланаётган бугунги кунларда бу яхши ишларни эсламоғимиз ўринли, албатта.

Ҳали асарлари туркчада чиқмаган бўлса ҳам, унинг улкан ижодкорлигини эшитган ва билганлар кўп эканлигига 1990 йил декабрида Туркияга биргаликда ижодий сафар қилганимизда, Истанбулдаги ҳаво майдонидаёқ мухлислар ва журналистларнинг камералари билан дўстона қаршиланганларида, Отатурк маданият саройида ўтган уч кунлик Туркистон миллий қурултойи кунлари Одил аканинг чиқишлари гуррос олқишланганида, турли учрашувларда гувоҳ бўлганман.

Одил Ёқубовнинг икки романи — "Улуғбек хазинаси" ва "Кўҳна дунё" Аҳсан Ботур таржимасида АРТ нашриёти томонидан 1993 йилда Истанбулда илк бор чоп қилинди. Бу романлар ношири ва муҳаррири Яшар Дуру нинг сўзбошисида эзгу ниятлар, халқлар ўртасидаги энг мустаҳкам кўприк маданият, адабиёт кўпригидир. Шу давргача бирор ўзбек ёзувчисининг романи босилмаган Туркияда бу асарлар ўқувчига янгилик бўлди, албатта. Зотан, туркияликлар Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Али Қушчини яхши билишади ва севишади, бу улуғ шахслар номида улкан жомелар, тиб марказлари, майдонлар борлигидан, улар ҳақидаги тарихий ва илмий китобларнинг кўплигидан ҳам билса бўлади. Одил Ёқубовнинг романлари бу машҳур кишилар яшаган даврни, шонли ва фожиали муҳитини, жамиятдаги юксалишлар таназзулларини, турли табақалар ҳаёти ва ундаги драматик аждодларимиз тақдирларини, туркистонликларнинг сиймоси ва ўзига хос характерларини жонлантириб берганлиги билан ўқувчилар меҳрини қозонди.



Таржимон Аҳсан Ботур бу асарлардан кейин Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар", Ойбекнинг "Навоий", Шукруллонинг "Кафансиз кўмилганлар", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романларини жуда қисқа даврда ўгириб, турк ўқувчисига туҳфа этди (бу асарлар таржимасини, ношири ташкил этишда Яшар Дуру ва Бобохон Шариповнинг хизматларини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир). Ўзбек адабиётининг Туркияда танитилишидаги бу хизматлари учун таржимонга Навоий мукофоти берилгани (1994 й.) унинг ғайратига яна ғайрат қўшди. У Одил Ёқубовнинг "Адолат манзили", Пиримқул Қодировнинг "Авлодлар довони", Нурали Қобулнинг "Унутилган соҳиллар", Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" каби асарларини туркчага таржима қилиб, нашр эттирди.

Одил Ёқубовнинг 1996 йилда нашр бўлган "Адолат манзили" романини таржимон у ҳали ўзбекчада китоб ҳолида босилмасдан олдин, қўлёзмасидан ўгириб, 1994 йилда Истанбулда, "Ўтукан" нашриётида чоп эттирди (Âdil Yakuboğlu. Adâlet Menzili. Çev. D.Ahsen Batur. Ötüken yay. İstanbul 1994). Роман мухлислар томонидан яхши кутиб олинди. 2004 йилда "Саланга" нашриётида қайта босилди (Adil Yakubov. Adalet Menzili. Roman. Türkiye Türkçesi D. Ahsen Batur. Selenge Yayinlari. İstanbul-2004). А. Ботур ўн йил аввал ўз таржимасида босилиб чиққан "Улуғбек хазинаси" ва "Кўҳна дунё" романларини ўзи бошқараётган "Саланга" нашриётида "Одил Ёқубовнинг тўла асарлари" сериясида 2003 йилда қайтадан чоп қилдириб, ўзбек ёзувчисининг Туркияда танилишида яна бир муҳим хизматни бажарди. Китоблар муқоваси ортида ёзувчи расми ва у ҳақдаги таржимон сўзи берилган. Бизнингча, А. Ботурнинг қуйидаги жумлалари эътиборга лойиқдир: "Одил Ёқубов замонамизда нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа туркий давлатларда, балки бутун туркий дунёда тенги йўқ, рақибсиз бир уста ёзувчидир. Унинг ижоди ўзига хос мактаб, саноқли кишиларгина чиқа оладиган чўққидир. Адибнинг энг кўп таржима қилинган ва дунёга кенг тарқалган асари ҳисобланган, ҳатто Чингиз Айтматов ҳам ёстиғининг ёнига қўйиб, севиб ўқийдиган "Улуғбек хазинаси" романи ва ундан кейинги муҳим асари "Кўҳна дунё"дир. Китобни ўқиркансиз, бу сўзларнинг муболаға эмаслигига амин бўласиз".



Ҳақиқатан ҳам, бу сўзларда жон бор. Таржимоннинг ёзувчимиз ижодига жуда катта ҳурмат билан қарашини юқоридаги сўзлардан, айниқса, адиб романлари таржимасига жиддий киришганидан, билим ва зукколик билан ёндашганидан ҳам билса бўлади.

Таржималар савияси ҳақида фикр юритиш учун муайян мақолани, қаҳрамонлар нутқи, айрим миллий урф-одатлар, тилга оид хусусиятлар туркчада қандай акс этган, деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Биз "Адолат манзили" таржимасига оид мисоллар билан чекланмоқчимиз. Романдаги барча ўзига хосликлар таржимада ҳам деярли тўла акс этган дейишимиз мумкин. Таржимон кўп йиллар юртимизда яшагани, турмушимиз билан анчагина таниш бўлгани, ўзбек ва рус тилларини шу ерда ўрганганлиги учун қўпол хатолар кўзга ташланмайди. Маълумки, яқин тиллардан ўгиришнинг ўзига хос нозикликлари бор, бу, айниқса, туркий тилларда қўлланиладиган ўзи бир хил, аммо англами турлича сўзларда кўринади. Масалан, бобо сўзи туркларда биздагидай бува эмас, ота, дада, ада маъносида ишлатилади, бувани улар дада дейишади (аммо баъзи шеваларда, масалан Қибрисда бўба шакли ҳам учрайди). Таржимон бундайин инжаликларни билгани унинг ишида кўриниб турибди. Романда Маржонгой онасидан "Ассалом, моможон. Эсонмисиз, омонмисиз, ветеран бобомлар..." деб сўрайди. Онаси "Бобонг-да омон..." дейди. Таржимон асар воқеалари Ясси тарафларда бўлаётганини, персонаж нутқида у ернинг шеваси сақланишини, бу ўринда бобо сўзи ота англамида эканлигини яхши илғаган: «Selam, mamacan! İyi misiniz, mamacan? Gazi babamlar da...» Бироқ шу ўринда она маъносида қўлланилган момо сўзининг таржимада «мама» шаклида берилиши, бизнингча, ўзини оқламайди, чунки мама сўзи "Туркча сўзлик"да таъкидланганидек, фақат чақалоқ овқати англамида ишлатилади. Онажоним маъносидаги anneciğim сўзи қўлланилса, матн янада очиларди.

Ўзбекларда кичикларга сенлаб, катталар ва ҳурматли кишиларга сизлаб мурожаат қилинади. Бу туркларга ҳам хос. Бироқ кундалик турмушда, омма орасидаги муомалада ота-бола ҳам, кўчадаги танишу нотанишлар ҳам, ёшидан, мансабидан қатъи назар, бир-бирларига сенлаб гапиради (афсуски, бундан хабарсиз баъзи ҳаваскор таржимонлар айрим турк фильмларининг таржималарида бунга терс ўлароқ иш тутишмоқда, фильм қаҳрамонлари ўзбекчадан сизсираб сўзлашгани учун туркларнинг ана шу ўзига хос одати йўққа чиқарилмоқда). А. Ботурнинг бу каби нозик фарқларни яхши билиши таржимада кўриниб турибди. Романдаги автор тексти каби персонажлар нутқи ҳам жуда жонли таржима қилинган. "Шарановский ноғаҳон миясида ярқ этган бу фикрдан кўнгли сув ичгандай ёришиб, ўрнидан туриб кетди-ю, Галянинг елкасига шалолдай қуйилган сочларини тўзғитиб, эркалади:

— Жа ширин забон бўп кетдинг-да, сен пучуқ! Таслим қилдинг яхши гап билан. Бор, айт қаҳрамонингга! Ҳозир чиқади де мени!" ("Адолат манзили", 101 б.)

Туркчаси бундай:

"Şaranavski, birden aklına gelen bu düşünceyle haylı rahatlanmış bir şekilde yerinden kalkıp, güleryüz bir çegreyle Galya'nın omuzlarına yayılan saçlarını şöyle bir okşayıp:

— Senin o tatlı dillerini yerim, anam! — dedi. — Git şimdi, o kahramanına söyle: Hemen geliyor de!" (s.130)

Асар қўлёзмадан таржима қилингани (ёки таржимоннинг маълум сабабларга кўра романнинг ўзбекча нашрини кўрмагани) учунми, асл матн ва ўгирма қиёсланганда, ўртадаги бир фарқ яққол кўзга ташланади. Романнинг ўзбекча нашри ўн олти боб, туркчаси эса ўн тўрт боб. Таржимон асарнинг келаси нашрида бу етишмовчиликни тузатади деб умид қиламиз.

Шуни ҳам айтишимиз жоизки, А.Ботур эски усмонличани, арабчани, ўзбекчани яхши билади, рус тилини ҳам ўзлаштирди; кейинги ўн йил ичида русчадан атоқли турколог Лев Гумилёвнинг "Эски турклар", "Хунлар", "Этногенез", "Эски руслар ва Буюк Бўзқир халқлари" каби ўндан ортиқ тарихий китобини таржима қилиб, ўзи бошқараётган "Саланга" нашриётида чоп этди. Б. Н. Грековнинг "Искитлар", С.Г. Кляшторний ва Т.И. Султоновнинг "Туркнинг уч минг йили", М. Закиевнинг "Турклар ва татарларнинг шажараси" тарихий китобларини ҳам русчадан ўгириб, ўқувчиларга туҳфа этди. Бу асарларнинг баъзилари 4-5 мартадан қайта босилди. Унинг ўзбек тилидан ўгирган романлари ўзбеклар ва туркларнинг бир-бирларини танишларига, адабий ва маданий алоқаларимизнинг мустаҳкамланишига қандай хизмат қилса, рус тилидан ўгирган тарихий китоблари ҳам Туркия ва Русия ўртасидаги, бу минтақада яшаётган туркий халқларнинг қардошлик алоқаларида муҳим кўприк бўлиши шубҳасиздир. (Ора-орада у араб тилидан ҳам таржима қилиб туради, А. Сусаннинг "Тарихда араблар ва яҳудийлар", Масъудийнинг "Олтин бўзкирлар" асарларининг таржималари бунинг далилидир).

Шунчалар кенг кўламли таржима иши билан банд бўлган Аҳсан Ботур ўзбекларнинг атоқли ёзувчиси Одил Ёқубов ижодига бир мактаб деб қарагани учун унинг барча асарларини туркчага таржима қилишга ва нашр этишга бел боғлаган. Ҳозирда у адибнинг қатор қиссалари ва ҳикоялари таржимасини ниҳоясига етказди ва "Эр бошига иш тушса" романи устида ишни давом эттирмоқда. Биз бир мухлис сифатида унга муваффақият тилаймиз. Шундайин жаҳоншумул романлар битган, ўзбекларни ва Ўзбекистонни юксак асарлари билан дунёга танитаётган улуғ инсон, устоз ёзувчимиз Одил Ёқубовни саксон ёши билан қутлаймиз.

Тоҳир ҚАҲҲОР

Назм

Сиз дераза қўриқлаган гул...

(“Куз чизган сувратлар” туркумидан)

1.

Боғларда куз кезади — титроқ,
Елкасида кўчи-кўрони...
Илдизидан узилган япроқ
Ҳасратида кўрдим дунёни.

Ҳаволарда тортилар мезон –
Хотир бизни қилади адо.
Бошимизда айланган хазон –
Юрагимдан тўкилган видо.

Куз оқшоми...
Нима ҳам дейин,
Ана боғлар –
Эзгин-эзгин Сўз.
Кўзларингга термулган сайин
Кўз ўнгимда гуллаяпти куз.

2.

Кўлингда шамсия...
Чарм ёмғирпуш
Ёқасини тутиб
турибсан мулзам.
Мен деймантан:
"Куз келди. Бу дунё хомуш –
бошимизга ёғар
томчи-томчи ғам..."

Ҳиёл жилмаясан,
Сўнгра, хайру хуш...
Сўзлайсан куз бизга
тақдирлигини.
Сезаман, эгнингда
чарм ёмғирпуш
Жоним, ёлғизликдан
оғирлигини...

3.
Ернинг усти хазон. Ер ичи хазон.
Кўтариб туради гуноҳимизни.
Фаришталар асло Ерда юрмайди –
Нега алдашим шарт ҳар куни Сизни?!

Ҳамма нарса ёлғон. Ҳамма нарса рост –
Ишонмаганг шодлигим,
Бардамлигимга!
Гоҳ фалак, гоҳида чумолидан паст –
Кўникиб қолганман одамлигимга.

4.



Сизга қийин. Менга ҳам оғир,
Ёмғир — ўйин. Ёғади кимдир.
Ёмғирида осилди охир
Тақдир, тақдир, тақдир...

Сизга оғир, менга ҳам қийин,
Оғир бағир — ёғди кун бўйи.
Сизга қанча талпинган сайин
Қалбни ўртар тангрининг куйи.

Сиз — дераза қўриқлаган гул,
Чиройлисиз ҳатто ёмғирда.
Мен — ташқари, усти-бошим ҳўл
Гуллаяпсиз кимнинг бағрида?

Бизга қийин. Тақдирми, ана –
Эзгин-эзгин ёққани ёққан.
Деразангиз йиғлар ошкора
Кўз ёшлари оққани-оққан...

Сизга қийин. Менга ҳам оғир
Ёмғир — ўйин. Ёғади кимдир.
Ёмғирида осилди охир
Тақдир, тақдир, тақдир.

5.

Осмон ҳасратини тўкди,
Бошимда ёмғир куйлади.
Эзилдим, йўлга кўз тикдим –
Кун бўйи Сизни ўйладим.

Тугамади кўк ҳасрати,
Мени ҳолимга қўймади...
Қайғуда қолган қисматим –
Сизни тун бўйи ўйладим.

Йўқ! Кўнглимга сиғмас додим...
Ёмғирларда ивир дардим...
Новдаларда кимнинг ёди
Томчи бўлиб шивирларди?..

Қоп-қоронғи кеча... Ўзим
Ёлғиз эдим... Оғир бўлди...
Юрагимдан кечган сўзим
Ёмғир бўлди, ёмғир бўлди...

6.
Йиқилади боғларда оқшом,
бошланади шамоллар ҳарби.
Куз — кўксига яширган одам
портлаётган юракнинг зарбин.

Тўзғинади ҳавода япроқ,
Ким у,
Узган умрим ипини?
Сукут ичра эсади титроқ –
Ҳаётимнинг ожиз экини.

Ҳар фаслда кўрсатар Аллоҳ,
Гуллашиму сўлиш онимни...
Куз, қўрқитдинг мени бангоҳ,
Айт, қаерга қўяй жонимни?

7.

Тонг уйғонди. Боғларда сеҳр,
Беҳидларнинг барги шуъларанг.
Хазонрезлик — куз босган муҳр
Эх, уларнинг гарди тилларанг.

Боғда шароб ҳиди уфирар,
Войишда ток турар майишиб.
Шамол менга ўзини урар –
Эрталабдан олган май ичиб.

Тўрт тарафим мукаммал. Тиғиз
вақт измида мангу тасаввур.
Ҳайратимни тоширади куз –
Тирик суврат чизган мусаввир.

Худойим-а, бу қандай ижод?!
Куз, очгандай бўлдинг кўзимни.
Рангларингдан тўкилди фарёд
Мен ортиқча сездим ўзимни...

Қай япроқни қўлимга олсам,
аён бўлур мен айтмаган сўз.
Сувратингда майлими қолсам,
Сенга ҳалал бермайманми, Куз?

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Рангтасвир

«МУХЛИСЛАРИМНИ МОСКВАДА КУТАМАН»

Акмал Икромжонов 1952 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1970 йил П.П.Бенков номидаги рассомчилик билим юртини, 1977 йили эса Репин номидаги Ленинград рассомчилик, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтини тугаллаган. 1977 йил — Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги. 1998 йил — Ўзбекистон халқ рассоми.

— Тасвирий санъат: кеча ва бугун. Ўзгаришлар, юксалишлар нималарда намоён бўлади?

— Тасвирий санъат доимо ривожланиб, тарғиб қиладиган ғоялари ҳамиша ўзгариб келган. Собиқ Иттифоқ даврида тасвирий санъатнинг сиёсий ғоялар тарғиботи билан шуғулланганлигидан кўпчилигимиз хабардормиз. Ўша вақтлари соцреализм ибораси мавжуд эди. Яъни тасвирий санъатда замонанинг ижобий тарафларини кўрсатиб берилиши талаб қилинарди. Лекин бу билан тематик асарлар умуман яратилмаган демоқчи эмасман. Эркин мавзудаги асарлар ҳар қандай тузумда ҳам ижод қилинади. Кейинги йилларда эса тасвирий санъатда ўзига яраша озодлик пайдо бўлди. Буни очиқ эътироф этиш керак. Ҳар бир рассом турфа хил йўналишларда ижод қила бошлади. Шу вақт ичида кўпгина мусаввирлар ўз йўналишларини белгилаб олдилар. Бу эса тасвирий санъатнинг ривожи йўлидаги энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

— Демак, замонавий рангтасвиримизда муаммолар йўқ, шундайми?

— Муаммолар жуда кўп. Асосий муаммолардан бири яратилаётган асарларга оммани қизиқтира олишдан иборат. Фикримча, ҳар бир кўргазма ОАВ орқали янада кенгроқ ёритилиши лозим. Ижодкорлар олдидаги муаммо эса асар мавзусини тўғри танлаш, шу орқали ҳиссиёт ва тушунчаларини томошабинга етказиш ва ўз асарлари билан халқ маданий ҳаётида ижобий томонга силжиш қилишдан иборат.

— Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби бор. Шу орқали у ўз ўй-фикрлари, кечинмаларини намоён қилади. Айнан сиз асарларингизда томошабинни нималарга ундайсиз?

— Ҳар бир санъат асари ўзидан нур таратиб туриши керак. Яъни асар инсонларга ижобий таъсир этиши лозим. Гўзалликни кўра билишга ундаши даркор. Бирор асар яратишдан аввал рассом ўз олдидаги мақсадини аниқ белгилаб олади. Асар ранглари жилосидаги тасвир ғояни рамзий маънода ифодалайди. Томошабин мен яратган асарларни кўрганидан сўнг атрофга бошқача кўз билан қарашини истардим.

— Ижодга энди қадам ташлаган пайтларингиз сизни кўпчилик авангард йўналишида чизган суратларингиз билан танишган экан. Кейинги вақтларда ушбу йўналишга бироз камроқ мурожаат қилмоқдасиз?

— Ижодкор борки, ўз ижодий фаолияти давомида бир қатор йўналишларга мурожаат қилади. Бу табиий. Авангард йўналиши илгарилари ёпиқ мавзу эди. Шунинг учун кўплаб рассомларнинг шу йўналишга қизиқишлари юқори бўлган. Мен ҳам ўз фикрларимни авангард услубларида ифода этишга ҳаракат қилганман. Лекин ижодкор руҳиятида вақт ўтиши билан, замона зайли туфайли турли ўзгаришлар содир бўлар экан. 1990-92 йиллар мен учун тарихга қизиқиш даври бўлди. Портрет санъатига маънавий эҳтиёж сеза бошладим. Кўплаб портрет асарларимни ўша йиллари ишлаганман. Лекин шу билан бир қаторда кубизм, сюрреализм, абстракционизм йўналишларида яратилган асарларим ҳам бор.

— Кўпчиликни қизиқтиради: сиз натюрморт жанрига бот-бот мурожаат қилгансиз. Натюрморт ижодингизда бошқаларникидан фарқли ўлароқ кўмакчи эмас, етакчи жанр даражасига кўтарилганини кўриш мумкин. Бунинг ўзига яраша сабаблари бордир?

— Аксарият рассомлар натюрмортни рангларни бойитиш учун яратишади. Мен бу фикрга қўшила олмайман. Чунки менинг ижодимда бундай асарлар ўзига яраша салмоқли ўринни эгаллайди. Яратилган ҳар бир натюрморт ўзга бир дунё. Ундаги предметларни асар сифатида кўрсата билиш ижодкор учун катта бахт. Ҳар бир предметнинг ўз жилоси, формаси, пластикаси бор. Уларни бир жойга жамлаб композиция яратиш мураккаб жараён. Натюрморт орқали ҳар бир предметнинг гўзаллиги томошабин учун яна бир бор намоён бўлади.

— Ижодингизнинг бир қирраси натюрморт асарларда кўринса, бошқа бир қирраси маҳобатли рангтасвирда кўзга ташланади.

— Билим юртида дастгоҳли рангтасвир йўналишида таҳсил олганман. Маҳобатли рангтасвирда 80-йиллардан бери расмлар ишлаб келаман. Ҳозирги кунгача Ўзбекистон тарихи музейидан "Гуллаётган ватаним", Оқсаройдан "Лолазор", Сенат биносидан "Диёримда баҳор" каби маҳобатли рангтасвир йўналишида яратилган асарларим ўрин олган. Бундан ташқари кўплаб бошқа иншоотларга маҳобатли рангтасвир асарларини яратишда иштирок этганман. Лекин аслида менга дастгоҳли рангтасвир йўналишида расмлар чизиш кўпроқ ёқади. Чунки бу жараёнда асарнинг ҳар бир нуқтаси устида фақат ўзим ишлайман.

— Инсон ёмон кайфиятда ижод билан шуғулланса, унинг руҳиятидаги салбий ҳолатлар бевосита асарида намоён бўлади, дейишади. Сизнинг қандай кайфиятда бўлишингизнинг ижодга таъсири борми?

— Кайфият ёмон вақтда ижод билан шуғулланиш керак эмас. Бундай вақтда яратилган асарлар пессимистик руҳда бўлади. Томошабиннинг тушкун кайфиятига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Шунингдек, асардаги ғояни тўлиқ тушуна олмасликка олиб келади. Бу эса асарга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Яхши кайфиятда яратилган асарлар кўтаринки руҳда бўлади ва назари тушган ҳар бир кишига ўз кайфиятидан инъом қилади.



— Пессимистик руҳда суратлар ишламаслик керак деб ҳисоблайсизми?

— Ёмон асарларнинг кимга кераги бор? Ҳар бир тасвирий санъат асари инсонни эзгуликка чорлаши даркор. Ундаги ранглар колорити қандай бўлишидан қатъи назар мақсадни аниқ ифодалаб, томошабинни ўзига жалб этиб туриши лозим. Ана шундагина асар муваффақиятга эришади.

— Навбатдаги шахсий кўргазмангиздан мухлисларингиз қачон баҳраманд бўлишади?

— Шу йилнинг ноябрь - декабрь ойларида Москва шаҳрида шахсий кўргазмамни ўтказиш ниятим бор. Ҳозирда ана шунга тайёргарлик кўряпман. Кўргазмада кўплаб янги асарларим намойиш этилади.

Шаҳзод ШОМАНСУРОВ суҳбатлашди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон матбуоти" журнали, Миллий матбуот маркази ҳамда "Hurriyat" газетаси газета таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммадга акаси

Шуҳрат ДЎСТМУҲАММЕДОВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти бошқаруви Жиззах вилоят Ногиронлар жамияти раиси Абдулло Қаршибоевга волидаи муҳтарамаси

Шарбат ая СУВОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. Марҳуманинг яқинларига Яратгандан сабр тилайди.

O'zbegini anglash yo'li HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон КЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Ⓡ — тижорат белгиси.
Топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 1255
Т: 2076
1 2 3 4 5